

**АБУ НАСР ИСМОИЛ АЛ-ЖАВҲАРИЙ АЛ-ФАРОБИЙ
ВА УНИНГ ИЖОДИЙ МЕРОСИ ҲАҚИДА**

Зоҳидов Муҳаммадали

Аннотация

Мақола ўрта асарларда ватанимиздан дунё илм-фаннынг турли соҳалари ривожига хизмат қилган асарлар ёзган алломалардан бирини танишитиради. Улардан бири Абу Наср Исмоил ал-Жавҳарий ал-Фаробийдир. У инсоният учун лугат борасида “Ас-Сиҳоҳ”, араб тили граматикаси фани учун “Муқаддим”, араб шеърияти бўлмиш “аруз” мавзусида “Аруз ул-варака” каби муҳим аср қолдириб кетди. Унинг “ас-Сиҳоҳ”асари лугат илмида янги жабҳани бошлаб берди. “Аруз ул-варака” асари билан аruz илмида ислоҳотлар олиб борди. Дунёниг кўплаб юртларида илм талабида бўлди. Исҳоқ ибн Иброҳим (335х.т/946), Абуссарий Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Асбаханий, Абу Али ал-Форисий каби устозлардан илмни турли соҳаларини ўрганди. Абу Али Ҳасан ибн Али, Абу Муҳаммад Исмоил ибн Муҳаммад Даҳҳон, Абу Мансур ал-Бешкий, каби шогирдларни етиштириб чиқарди.

Калит сўзлар: Аруз, аруз илми, манба, вазн, асар, китоб, таълим.

Аннотация

Статья знакомит с одним из ученых нашей родины, написавшим в средневековом творчестве труды, послужившие развитию различных областей мировой науки, одним из них является Абу Наср Исмаил аль-Джавахари аль-Фараби. Он оставил важное наследие, такое как «Ас-Сиҳаҳ» с точки зрения лексики для человечества, «Муқаддим» для арабской грамматики и «Аруз ал-варака» для арабской поэзии. Его работа «ас-Сиҳаҳ» открыла новый направления в лексике. Произведением «Арузул Варака» он провел реформы в поэзии об арузе. Он был востребован во многих странах мира. Он обучил и воспитал своих последователей в различных областях науки таких учителей, как Исҳак ибн Ибрагим (335х.т), Абуссари Муҳаммад ибн Ибрагим аль-Асбахани, Абу Али аль-Фариси. Абу Али Ҳасан ибн Али, Абу Муҳаммад Исмаил ибн Муҳаммад Даҳҳон, Абу Мансур аль-Бешки и др. учеников.

Ключевые слова: Аруз, арузская наука, источник, вес, произведение, книга, образование.

Annotation

The article introduces one of the scholars from our homeland who wrote works that served the development of various fields of world science in medieval works. One of them is Abu Nasr Ismail al-Javahari al-Farabi. He left an important century such as "As-Sihah" in terms of vocabulary for mankind, "Muqadmid" for Arabic grammar

science, and "Aruzul Varaqa" in Arabic poetry. His work "al-Sihah" opened a new front in the science of vocabulary. With the work "Aruzul Varaqa" he carried out reforms in the science of aruz. It was in demand in many countries of the world. He learned various fields of science from teachers such as Ishaq ibn Ibrahim (335h.t), Abussari Muhammad ibn Ibrahim al-Asbahani, Abu Ali al-Farisi. Abu Ali Hasan ibn Ali, Abu Muhammad Ismail ibn Muhammed Dahhan, Abu Mansur al-Beshki, etc., cultivated students.

Key words: Aruz, Aruz science, source, weight, work, book, education

Ўрта асарларда ватанимиздан дунё илм-фаннынг турли соҳалари ривожига хизмат қилган асарлар ёзган алломалар етишиб чиқсан. Улар қолдирган илмий ва ижодий мерос, ўз навбатида ўша даврда минтақамиз илмий ва маданий ҳаёти даражасини белгилашда ҳам муҳим аҳамият касб этиди. Ана шундай алломалардан бири Мовароуннахрнинг илм ва маданият ривожланган шаҳарларидан бири Форобда дунёга келган Абу Наср Исмоил ибн Ҳаммод ал-Жавҳарий ал-Фаробийдир (940-1007) [2: 27]. Манбаларда олимга Абу Наср деб куняланишининг сабаби манбаларда келмаган. Жавоҳир савдоси билан шуғиллангани учун асарларида Жавҳарий тахаллусини ишлатган. ал-Фаробий нисбаси туғилган юртига ишора. Сайид Муртазо Зубайдий(1205х.т/1790) айтади:

الجوهري نسبة لبيع الجوهر أو ، لحسن خطه، أو غير ذلك

“Жавҳарий нисбаси жаҳар сотганлиги ёки хати гўзал бўлгани ёки бошқа сабаб учун бўлиши мумикин [15:71/1]”.

Баъзи манбаларда туғилиши ва вафоти тўғрисида аниқ маълумотлар келмаган. Ҳатто Ёқут ал-Ҳамавий айтадики:”

ومن العجب أنني بحثت عن مولده ووفاته بحثاً شافياً، وسألت عنهم الواردين من نيسابور، فلم أجد مخبر

“Ажабланарлиси шундаки (Жавҳарий)нинг туғилиши ва вафоти тўғрисида чуқур изланиш олиб бордим. Нисабурга борувчилардан ҳам сўрадим, бирор хабар берувчи топилмади[5:158/5]”.

Иzlанишлардан маълум бўладики, ёшлигига тоғаси Абу Иброҳим Исҳақ ибн Иброҳим Фаробий тарбиясида бўлган. Тоғасининг қўй остида тоғаси ёзган “Девонул адаб” китоби ва бир нечта китобларни ўқиб чиқади. Ўша вақтда Фароб аҳли фикҳда Шофеъий мазҳабида бўлгани учун Жавҳарий ҳам шу мазҳабда амал қилган.

Қўйида Жавҳарийнинг баъзи устозларини келтирамиз:

1.Исхок ибн Иброҳим (335х.т/946).

Юқорида баён қилганимиздек, у Жавҳарийнинг тоғаси бўлиб бошланғич таълимни тоғасидан олган. Ибнул Анбарий айтади:”

وقد أخذ العربية عن: أبي سعيد السيرافي، وأبي علي الفارسي، وخلاله صاحب "ديوان الادب" "أبي إبراهيم الفارابي"

"Арабчани Абу Саъид Сайрофий, Абу Али Форисий ва тоғаси бўлмиш “Девонул адаб”ни соҳиби Абу Иброҳим Фаробийлардан ўрганган[5:258]”.

2.Абуссарий Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Асбаҳаний.

Жавҳарий айтади:”Девонул адаб” китобини Форобда Иброҳимга, сўнг Асбаҳонда Абуссарий Муҳаммад ибн Иброҳимга, сўнг Боғдотда қози Абу Саъид Сайрофийга ўқиб ўтказдим[6:63/5]”.

3.Абу Саъид ас-Сайрофий.

Жавҳарий ўзининг “Сиҳоҳ” номли асарида эслаб айтади:” Абу Саъид уни ўқитди[7:2269/6]”, “ Абу Саъид менга шеър айтди[7:1146/3]”, “Уни АбуСаъидга ўқиб бердим”, “Абу Саъид айтди[7:2051/5]”, каби”. Қўшимча тарзда қози Абу Саъиддан фикҳ , шеър, аruz, қофия, калом ва хат илмини олган [13:10].

4.Абу Али ал-Форисий. Жавҳарий бу устозидан ҳам кўп илм олган, хусусан нахв, Қуръон қироатлари илмини Форисийдан олган.

Албатта, илм билан машғул бўлган инсоннинг шогирдлари ҳам бўлади. Жавҳарий Нисабурда ўрнашган вақтини эслаб Саолабий айтади:

لم يزل مقيماً بها على التدريس) والتأليف، وتعليم الخط الأنيق"

“Жавҳарий дарс бериш, китоб ёзиш ва хаттотликда машғул бўлди[8:401/4]”. Баъзи шогиртларини келтирамиз.

1.Абу Али Ҳасан ибн Али. У Жавҳарийдан илм олганларнинг биридир. Ҳасан ибн Али Жавҳарийнинг Ҳурсондаги шогирдларидан ҳисобланади.

2.Абу Муҳаммад Исмоил ибн Муҳаммд Даҳҳон. У адаб йўлида жуда кўп маблағ сарф қилди. Шу соҳада пешқадам бўлди. Луғат, нахв ва аruz илмини Жавҳарийдан ўрганиб йирик алломага айланди. У Жавҳарий ўз қўли билан амир Абул фазил учун кўчирган “Сиҳоҳ”асарини қўлга киритди[8:406].

3.Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Солих ал-Варроқ. Манбаларнинг иттифоқ қилишича Жавҳарийни маҳкам тутган шогртларидан бўлган. Жавҳаридан “Сиҳоҳ”ни ривоят қилган. Ундан ўз хатида нусха кўчирган. Бу ҳакида ал-Ҳамавий айтади:

“بقي الكتاب، مسودة غير منقحة، ولا مبيضة، فبيضه أبو إسحاق إبراهيم بن صالح الوراق تلميذ الجوهرى بعد موته”

“Китоб хомаки ҳолатда, камчилиги тўғриланмасдан ва оқقا кўчирилмасдан турди. Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Солих ал-Варроқ Жавҳарийнинг ўлимидан сўнг оқقا кўчирди[5:157/5]”.

4.Абу Мансур ал-Бешкий. У Жавҳарийнинг савдодаги шериги, дўсти бўлган. Жавҳарий “Сиҳоҳ” китобини мана шу дўсти учун ёзган. У “Сиҳоҳ”ни Жавҳарийдан эшитган[6:156/5].

Жавҳарий каби инсонлар янгиликка интилувчан бўладилар. Уларни бошқалардан фарқли фазилатлари бўлади. Унинг китоб таълифида ҳам ўзига хос йўналиши бор эди. Луғат ва табакот уламолари Жавҳарийни луғат илмида имом деб эътироф қилдилар. Жавҳарийнинг илмда мартабаси қанчалар юқори эканлигини билдириш учун унга ҳам аср бўлган олимларниг у ҳақидаги фикрларини келтирамиз.

Абу Мансур Саолабий(429х.т/1037)айтади:”Абу Наср Исмоил ибн Ҳаммод Жавҳарий дунё ажойиботларидан эди. Туркий шаҳарларидан бири бўлмиш Фаробдан эди. Араб тили илмида пешқадамдир. Унинг хатининг гўзаллиги тилларда достон эди. У Язийдий, Ибнул Муқолла ва Муҳалҳал каби хаттолар қаторида эсланади.У каломда илғор чвандоздир. Аллоҳ таоло унга қуч-куват, сезгирилик, қалби ва ташқи кўринишида гўзаллик ато қилгандир[8:463/4]”.

Суютий(911х.т/1505) нақл қиласи:”Ибн Барий: ”Жавҳарий луғат уламоларининг энг буюгидир”, деди[8:97/1]”.

Ибн Рошиқ Қайравоний (463х.т/1070) аруз илмининг ривожланиш босқичи ҳақида гапирган вақтида Жавҳарийни бу илмнинг тадқиқотчиларидан ҳисоблаб деди:”

أول من ألف في الأوزان وجمع الأعاريض والضروب الخليل بن أحمد... ثم ألف الناس من بعده، واختلفوا على مقادير استنباطاتهم، حتى وصل الأمر إلى أبي نصر إسماعيل بن حماد الجوهري، فبيّن الأشياء وأوضحها في اختصار،

“Вазинлар, арузлар ва зарблар ҳақида ёзган биринчи инсон Халил ибн Аҳмад бўлса, сўнг инсонлар ундан кейин ҳам бу тўғрида ёздилар. Истинбот ўлчамларида ихтилоф қилдилар.Ҳатто иш Абу Наср Исмоил ибн Ҳаммод Жавҳарий вақтига етиб келди. У нарсаларни баён қилди ва муҳтасар кўринишида изоҳлади[10:136/1]”.

Ибн Анбарий (577х.т/1181) Жавҳарийнинг одобини ва адабиётдаги ўрнини мадҳ этиб қўйидагиларни айтди:” Абу Наср Исмоил ибн Ҳаммод Жавҳарийга келсак, албатта, у фазилатли адиб эди[10:252]”.

Зубайдий (1205х.т/1790) Жавҳарийни жуда ишончли эканини қўйидаги сўзида келтиради:”Жавҳарий араблардан нақл қилган нарсасида ўта ишончлидир. У айтган нарса ҳақида хато ёки ғалат экан, деган гап айтилмаган[15:463/12]”.

Илм талабида сафар ҳам яхши натижа беради. Жавҳарий ҳам илм талаби мобайнида сафарга жиддий эътибор қаратган. Сафар жараёнида илм олишни афзал билган. Саолабий юқоридаги сифатларни баён қилувчи сўзларни келтиради:”

كان يؤثر السفر على الوطن، والغربة على السكن والمسكن، ويخترق البدو والحضر، ويدخل ديار ربيعة ومضر، في طلب العلم، وإتقان لغة العرب

“Жавҳарий ватандан сафарни, масканда жимгмана туришдан ғурбатни устун кўрган. У илм талабида ва араб луғатини текшириш учун ўтрок ва кўчманчи халқларни ичига ҳамда тинч ва нотинч диёrlарга кириб борар эди[7:406/4]”. Ёкут Ҳамавий “Муъжамул удабо”сида қуидаги маълумотларни беради:

كان الجوهرى يؤثىر السفر على الوطن، فدخل العراق وسافر إلى أرض الحجاز، ولما قضى وطه من الطواف، عاد راجعاً إلى خراسان، ثم نزل نيسابور، فلم يزل مقيماً بها على التدريس والتأليف، وتعليم الخط، وكتابة المصاحف والدفاتر، [12:656/2]

“Жавҳарий ватандан сафарни афзал билган. Ироқ ва Ҳижоз ерларига кириб борди. Орзу қилган юртларини айланиб бўлиб, Хуросонга қайтди. Сўнг Нисабурга келди. Умрини охиригача шу ерда дарс бериш, китоб ёзиш ҳамда кўчириш машғул бўлди”.

Жавҳарийнинг илм талаб қилиш йўлида юрган манзилларига эътибор қаратамиз. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бошланғич таълимни туғилиб ўсан шахри Форобда тоғаси ва бир қатор уламолардан олган. Тоғаси вафот этгандан сўнг ёки вафот қилишидан аввалроқ уламолари кўпроқ бўлган катта шаҳарларга юзланади[13:15]. Жавҳарий Форобдан чиқиб Асбаҳонга бориб “Девонул адаб”ни Муҳаммад ибн Иброҳим Асбаҳонийга ҳам ўқиб беради. Бошқа илмлардан ҳам баҳраманд бўлади. У Асбаҳонда қанча тургани маълум эмас. Асбаҳондан Боғдотга боради. У жойда АбуАли Форисий ва Абу Саъид Сайрофийни учратади. Улардан калом, қироат, сарф, нахв ва лугат каби илмларни олади. Сўнгра Ироқ, Ҳижоз ва Шомдаги саҳроларга саҳро аҳлларидан лугат эшитгани боради. Кейин Хуросонга қайтади. Сўнг Хуросон шаҳарларидан бўлмиш Нисабурга келади.

Жавҳарийнинг бевосита ўзи ризқ талабида касб билан машғул бўлмаган. Тижоратдаги шериги, айтиб ўтканимиздек, шогирди ва дўсти Абу Мансур Бешкий бўлган. Асосан тижорат ишларини шу киши юритган. Жавҳарий китоб ёзиш, дарс бериш ва бошқа илмий ишлар билан машғул бўлган.

Жавҳарий китоблар ҳам битган. Баъзилари бугинги кунда ҳам соҳа эгалари тарафидан нашр қилиниб фойдаланилади. Жавҳарийни унга ҳам аср бўлган уламолар ҳам эътироф қилганлар. Имом Суютий айтади:”

وصنف كتاباً في العروض و مقدمة في النحو والصحاح في اللغة (وهو الكتاب الذي بأيدي الناس اليوم
وعليه اعتمادهم

“Жавҳарий аruz ҳақида бир китоб, нахв фани борасида”Муқаддима”ни ёзди, лугат бобида “Сиҳоҳ” ни ёзди. У бугунги кунда ҳам инсонларнинг қўлларида ва уларнинг эътиборидаги китобдир[14:447/1]”. Демак, лугат борасида “Сиҳоҳ”ни, нахв мавзусида “Муқаддима”ни ва аruz ҳақида “Арузул варақа”ни ёзганлар.

“Ас - Сиҳоҳ” асари. Ушбу асар араб тили лугати борасида бетакрор манбаа ҳисобланади. Асарнинг тўлиқ номи “Тожул луға ва сиҳоҳул арабия”дир. “ас-

Сиҳоҳ” номи билан ном қозонганд. “Ас-Сиҳоҳ” 1282/1887 ва 1292/1897 йилда Булоқда нашр қилинганд. Мадраса талабаларига араб тилини ўрганишда асосий қўлланма бўлган[3:58]. Ахмад Абдул Фоғур Аттор тарафидан таҳқиқ қилинганд биринчи нашр 1956 йилда, 1987 йилда тўртинчи нашр амалга оширилган[7:3]. “Ас-Сиҳоҳ”нинг қўлёзма нусхалари дунёнинг жуда кўп кутубхоналарида учрайди. Шунингдек, унинг 904/1494 йили кўчирилган қўлёзма нусхаси Ўз ФА Шарқшунослик институтида сақланади (инв.№2256). Розиуддин ал-Фазл ал-Ҳасан ас-Сағоний (577/1181)- 650/1252) “ас-Сиҳоҳ”га “Такмила алас Сиҳоҳ ал-Жавҳарий” номли қўшимча ёзган[3:58]. Ас-Саолабий ҳам “Фиқхул луға” асрини ёзишда “ас-Сиҳоҳ”дан фойдаланганини айтади[1:20]. Асарнинг муқаддимасида муаллиф китоб услуби ҳақида қисқача қўйидагиларни ёзди:”

أَمَّا بَعْدُ فَإِنِّي قَدْ أَوْدَعْتُ هَذَا الْكِتَابَ

مَا صَحَّ عِنْدِي مِنْ هَذِهِ الْلُّغَةِ، الَّتِي شَرَفَ اللَّهُ مَنْزِلَتْهَا، وَجَعَلَ عِلْمَ الدِّينِ

وَالْدُّنْيَا مَنْوَطًا بِمَعْرِفَتِهَا، عَلَى تَرْتِيبٍ لَمْ أَسْبِقْ إِلَيْهِ، وَتَهْذِيبٍ لَمْ أَغْلِبْ

عَلَيْهِ، فِي ثَمَانِيَّةٍ وَعَشْرِينَ بَابًا، وَكُلُّ بَابٍ مِنْهَا ثَمَانِيَّةٍ وَعَشْرُونَ فَصْلًا:

عَلَى عَدْ حِرَفِ الْمَعْجمِ وَتَرْتِيبِهِ

“Аммо баъд, албатта, бу китобни сахих деб билган, Аллоҳ унинг манзилини шарафлаган луғатлардан келтирдим. (Аллоҳ) дунё ва дин илмини унинг танишга боғлиқ қилди. Тартиби ва қулавилиги жиҳатида авваллари (ундай китоб) бўлмаган. Алифбо ҳарфлари саноғи ва тартибига кўра йигирма саккиз боб, ҳар бобда йигирма саккиз фасл бор[7:33/1]”. Жавҳарий келтирган ушбу услугуб унинг замонаси учун янги услугуб ҳисобланган. Замонавий араб илмий нашрлари ҳам Жавҳарий услугуга қўйдагича изоҳ берганлар:

وَطَرِيقَةُ الْجَوْهْرِ لَيْسَ مِنَ الصَّعُوبَةِ فِي شَيْءٍ كَمَا قَدْ يَتَبَدَّرُ إِلَى الْذَّهَنِ، وَإِنَّمَا هِيَ سَهْلَةٌ وَلَا سِيمَا بَعْدَ الْإِطْلَاعِ عَلَى مَنْهَجِ الْكِتَابِ، وَإِذَا وَقَفَنَا عَلَى نَصْوَصِهِ مِنْهُ، لَاحَظَنَا أَنَّهُ يَجْمِعُ بَيْنَ شَرْحِ مَعَانِي الْأَفْعَاظِ وَالْإِسْتَشَهَادِ عَلَيْهَا بِكَلَامِ الْعَرَبِ شِعْرَهُ وَنَثْرَهُ، وَلَكِنْ حَدِيثَهُ يَبْقَى مُوجَزاً لَا نَجْدُ فِيهِ تَطْوِيلًا وَاسْتَطْرَادًا وَاسْعَاً كَالَّذِي نَجَدَهُ فِي الْلِّسَانِ أَوِ التَّاجِ.

“Жавҳарий ҳамма ишларида қийин бўлмаган ҳамда зеҳинга тез келадиган йўлни тутган. У(нинг йўли)енгилликдир. Хусусан, ёзув услубини алоҳида айтиш мумкин. Унинг асрларига тўхталиб мулоҳаза қилсан, у лафзларнинг маъносини шарҳлаш ва далил келтириш орасини араб шеърияти ва насли билан жамлайди. Яна унинг сўзлари чўзлмасдан мўжазлигича қолган. Мавзудан четга ҳам чиқмаган. Шунингдек, бундай услубни “Лисон” ва “ат-Тож”да ҳам топамиз[14:27]”.

Баъзи Абу Маҳмуд И smoил ибн Муҳаммад ан-Нисабурий каби олимлар “ас-Сиҳоҳ” ҳақида шеърий иборалар айтишган:”

هَذَا كِتَابُ الصِّحَاحِ سِيَّدُ مَا ** صِنْفٌ قَبْلِ الصِّحَاحِ فِي الْأَدْبِ

شَمْلُ أَبْوَابِهِ وَتَجْمُعُ مَا ** فُرْقٌ فِي غَيْرِهِ مِنَ الْكُتُبِ:

“Бу Сиҳоҳ китоби адаб ҳақида Сиҳоҳ дан аввал ёзилганларнинг саййидидир.

Унинг боблари бошқа китоблар ажратиб қўйганларни ҳам жамлайди ва қамрайди”[16:657/2].

“Аруз ул-варақа” (аруз варақлари). Араб арузига оид ўрта асарларда яратилган қимматли манбалардан бири саналади. Албатта, Жавҳаригача ҳам кўплаб аruzга оид манбалар бўлган. Шубҳасиз, Халил ибн Аҳмад(719-795)ни эсламасдан иложи йўқ. У аruz ҳақида “Муъжам фи илмил аruz” номли асар ярадган. Ушбу асар аruz илмига асос бўлган. Абул Ҳасан Аҳфаш(830в.) Халил ибн Аҳмаднинг ҳамма фикрларига қўшилган холда “Китабул аruz” асарини яратди. Абу Исҳоқ Зажаж(890в.)нинг аruz илмига оид “Китабул аruz” асри мавжуд. Бу китоб ҳам қадимий манбаалардан ҳисобланади. Исҳоқ Жаримий Басрий(840в.)нинг “Китабул аruz”асари мажуд. Абу Бакр Сарроҷ(928в)нинг “Ал-аруз”асри бўлган. Букаби аruzга оид асар ва маллифларни келтириш мумкин. Имом Суотий айтади:”

و صنف كتاباً في العروض و مقدمة في النحو والصحاح في اللغة وهو الكتاب الذي بأيدي الناس اليوم

وعليه اعتمادهم

“Жавҳарий аruz ҳақида бир китоб, нахв фани борасида ”Муқаддима”ни ёзди, луғат бобида “Сиҳоҳ” ни ёзди. У бугунги қунда ҳам инсонларнинг қўлларида ва уларнинг эътиборидаги китобдир[14:447/1]”. Имом Суотий аruz ҳақидаги китобни номини келтирмаганидек, Исмоил Боғододий, Бурклман ва Зириклий каби олимлар ҳам Жавҳарийнинг аruz ҳақида китоби борлигини айтишади, лекин, китоб номини зиқр қилишмайди. Аммо, Ёқут Ҳамавий Жавҳарийнинг аruz ҳақидаги китоби “Арузул варақа” эканлигини айтади:”Жавҳарий ёзган китобларининг ичida аruz ҳақида ҳам жуда яхши китоб бор бўлиб, уни “Арузул варақа” деб номлаган”. Ибн Рошиқ Қайравоний(463ҳ.т/1070) аruz илмининг ривожланиш босқичи ҳақида гапирган вақтида Жавҳарийни бу илмнинг тадқиқотчиларидан ҳисоблаб деди:”

أول من ألف في الأوزان وجمع الأعaries والأضروب الخليل بن أحمد... ثم ألف الناس من بعده، واختلفوا على مقادير استنباطاتهم، حتى وصل الأمر إلى أبي نصر إسماعيل بن حماد الجوهري، فبيـنـ الأشيـاءـ وأوضـحـهاـ فـيـ اختـصـارـ،

“Вазинлар, арузлар ва зарблар ҳақида ёзган биринчи инсон Халил ибн Аҳмад бўлса, сўнг инсонлар ундан кейин ҳам бу тўғрида ёздилар. Истинбот ўлчамларида ихтилоф қилдилар. Ҳатто иш Абу Наср Исмоил ибн Ҳаммод Жавҳарий вақтига етиб келди. У нарсаларни баён қилди ва муҳтасар кўринишида изоҳлади[10:136/1]”.

Айрим манбаларда ушбу асрнинг ягона қўлёзмаси Истамбулдаги Атиф Афанди кутубхонасида сақланиши (№1991) қайд этилган. Бироқ Мағриблик олим Муҳаммад Аламий “Арузул варақа” рисоласига бағишланган тадқиқотида асарнинг Работ давлат хазинасида сақланувчи 930инвентар рақамли қўлёзмадан фойдаланганини айтади. Маълум бўладики, Жавҳарийнинг “Арузул варақа”

асарининг икки қўлёзма нусхаси маълум бўлиб, бири Истанбулда, иккинчиси Работ шаҳрида сақланади. Истамбулдаги Атиф Афанди кутубхонасидағи сақланаётган нусха ҳақида илк маълумот турк олими Ниҳад Четиннинг 1978йилда ёзилган мақоласида берилган. 1994 йилда унинг шогирди Муҳаммад Саъдий Чугунли асарни нашр қилган[2:27].

“Муқаддима фин нахв”. Жавҳарийнинг ушбу номдаги китоби борлиги ва араб граматикасига тегишли экани китобнинг номидан ва манбалардан маълумдир. Лекин китобни топа олмадик.

Жавҳарий манбааларда шоир сифатида ҳам эсланади. У ҳақида Заҳабий айтади:

”ولجوهريٰ نظمٌ حسنٌ“

“Жавҳарийнинг гўзал назмлари бор:”

Саълабий ушбу фикрларни келтиради:

”ولجوهريٰ شعر العلماء، لا شعر مفلكيٰ الشعراء“

“Жавҳарийнинг (шеърлари)уламоларнинг шерлари кабидир. Катта шоирларининг шеърлариdek эмас[8]”. Унинг баъзи шеърларидан намуналар:

لو كان لي بدُّ من الناس *** قطعت حل الناس باليأس

العُزُّ في العزلة لكنَّه *** لا بدَّ للناس من الناس

“Менда одамлардан узоқлашиш бўлганда эди, одамларни боғловчи ипни пушаймон билан узуб ташлаган бўлардим.

Иzzat узоқда бўлишда, лекин одамлар учун одамларнинг бўлиши шарт”.

رأيت فتى أشقرًا أزرقًا *** قليل الدماغ كثير الفضول

يفضِّلُ من حمقه دائِبًا *** يزيد بن هنْدٍ على ابن البتول [17]

“Сариқ, кўқ кўз, ақли кам, ҳаёсизлиги кўп йигитни кўрдим.

Аҳмоқлиги туфайли у Язид ибн Ҳиндни Ибн ал-Бутулдан юқори қўярди”.

Жавҳарий машҳур сўзга кўра 398/1007й ҳижрий санада Нисабурда вафот этган. Вафот этиш сабабини тарихчи олимлар турлича баён қиласидилар. Тарихчилар, Жавҳарий умрининг охирида ақилдан озиб ўзини девор устидан ташлаган ёки учар қанот ясадб учар қанотни синаш учун ўзини девордан ташлаган, деган фикрлар келтирадилар. “Инбааур руват” китобининг соҳиби айтади:

”وقيل أنه اخْتَلَطَ فِي أَخْرِ عَمَرٍ، وَماتَ مُتَرَدِّيَا مِنْ سطْحِ دَارَهِ بَنِي سَابُورِ فِي شَهُورِ سَنَةِ ثَمَانَةِ وَتَسْعِينَ“

”وثلاثمائة، ورأيت فيما رأيت أنه مات في حدود سنة أربعمائة“

“Айтилишича, У (Жавҳарий) умрининг охирида ақлдан озган. Машҳур сўзга кўра 398 йилда Нисабурдаги ҳовлисининг деворидан ўзини ташлаб ўлган. Кўрган нарсаларимни ичидан 400 ҳижрий сана атрофида вафот этган деган маълумотни ҳам кўрдим[16:331/1]”.

Хулоса қилиб айтганда, Абу Наср Исмоил ибн Ҳаммод ал-Жавҳарий 940-1007 йилларда яшаб ўтган. Жавоҳир савдоси билан шуғиллангани учун асарларида отидан кейин Жавҳарий тахаллусини келтиради. Ўша даврда Мовароуннаҳр шаҳарларидан бўлган Форобда дунёга келгани боис, ал-Фаробий нисбасини қўллайди. Бошланғич илмни тоғасидан олган. Кейинчалик қатор Шарқ мусулмон мамлакатларида бўлиб, илм ўрганган. Жавҳарийдан бизгча лугат соҳасидаги “Сиҳоҳ” асари, аruz рисоласи етиб келган. Алломанинг шеърият соҳасида ҳам иқтидори бўлгани ҳақида маълумотлар бор.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1	Абу Мансур Саолабий. Фикхул луға ва сиррул арабия. Қохира.: 1959. – Б.20
2	Дилдора Худжанова. XII асрда мовароуннаҳрда яратилган аruz илмига оид манбалар. – Тошкент.: Тошкент давлат шарқшунослик унверситети, 2021. – Б.27.
3	Исматулла Абдуллаев. Берунийга замондош шоирлар. – Тошкент.: Фан, 1975. – Б.58.
4	أبي البركات كمال الدين عبد الرحمن بن محمد بن الأنباري - نزهة الألباء في طبقات الأدباء (577هـ) - تحقيق الدكتور إبراهيم الـ الطبعة الثالثة - الأردن. مكتبة المنار 1405هـ - 1985م .
6	أبي عبد الله يعقوب بن عبد الله الحموي ت626. معجم الأدباء. بيروت. دار الفكر للطباعة والنشر والتوزيع - الطبعة الثالثة. 1400هـ - 1980م .
7	إمام أبي نصر إسماعيل بن حماد الجوهرى. الصحاح تاج اللغة وصحاح العربية. - تحقيق أحمد عبد الغفور عطار — الطبعة الرابعة - بيروت. دار العلم للملايين. 1990.
8	أبي منصور عبد الملك بن محمد الثعالبى) ت429هـ) . بيتيمة الدهر فى محاسن أهل العصر تحقيق محمد محي الدين عبد الحميد -- بيروت. دار الفكر - الطبعة الثانية 1392هـ 1973م..
9	إمام الحافظ جلال الدين عبد الرحمن بن أبي بكر بن محمد ابن سابق الدين الخضيري السيوطي (911هـ) لمزهر في علوم اللغة وأنواعها - شرح محمد أحمد جاد المولى - دمشق - دار الفكر للطباعة والنشر والتوزيع - بدون تاريخ .
10	أبي علي الحسن بن رشيق القيرواني) ت456هـ)- العمدة في نقد الشعر وأدابه ونقده. تحقيق محمد محي الدين عبد الحميد - الطبعة الرابعة. بيروت - دار الجيل. 1972م.

11	أبي البركات كمال الدين عبد الرحمن بن محمد بن الأتباري - (577هـ) . نزهة الأباء في طبقات الأدباء - تحقيق الدكتور إبراهيم السامرائي - مكتبة المنار - الطبعة الثالثة - الأردن 1405هـ . 1985م.
12	إمام الحافظ جلال الدين عبد الرحمن بن أبي بكر بن محمد ابن ساق الدين الخضيري السيوطي - بغية الوعاة في طبقات اللغويين والنحاة (ت 911هـ) - تحقيق محمد أبو الفضل إبراهيم - المكتبة العصرية - بيروت 1384هـ
13	سمير محمود لبد. المسائل النحوية في تاج اللغة وصحاح العربية للجوهري.. - غزة لجامعة الإسلامية . 2009 م - 1430هـ
14	مجلة التراث العربي العدد 77 - السنة 19-تشرين الأول اكتوبر 1999 . جمادى الآخرى-1420.
15	سيد محمد مرتضى الحسيني الزبيدي - تاج العروس من جواهر القاموس. تحقيق عبد الستار أحمد فراج الكويت. دار الهداية 1385هـ - 1965م
16	وزير جمال الدين أبي الحسن علي بن يوسف القطبي إنباء الرواية على أنباء النحاة - تحقيق محمد أبو الفضل إبراهيم - القاهرة وبيروت. دار الفكر العربي ومؤسسة الكتب الثقافية - الطبعة الأولى 1406هـ - 1986م
	ياقوت الحموي: معجم الأدباء، دار الغرب الإسلامي، بيروت، الطبعة الأولى، 1993م،
17	http://www.m-a-arabia.com .